

«ЎЗБЕКИСТОН – 2030» СТРАТЕГИЯСИ АМАЛДА



<https://doi.org/10.5281/zenodo.12187400>

Азамова Мухаббат

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети “Спорт хуқуқи,
ижтимоий ва табиий-илмий фанлар”
кафедраси ўқитувчиси
e-mail: muxabbatazamova@uzdjtsu.uz

АННОТАЦИЯ:

Уибү мақолада олий ўқув юртларида гуманитар ижтимоий аҳамиятга эга фанларни ўқитишининг долзарблиги муҳокама қилинади. Гап ёшларни ватанпарварлик, байналмилаллик руҳида тарбиялашида мазкур фанларнинг ўрни ҳақида бормоқда Ижтимоий фанларни ўқитишининг долзарблиги, соҳага оид ютуқ ва камчиликлар, бу ҳақдаги креатив ва танқидий фикрлар ҳамда ижтимоий фанларнинг Олий таълим муассасаларида ўқитиши зарурати, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида юксак маънавиятли қилиб тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида сўз боради. Шунингдек, Ўзбекистон -2030 стратегиясида белгилаб берилган 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самараодорлик кўрсаткичлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Олий таълим муассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятини тақомиллаштириши, уларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш ҳамда фундаментал тадқиқотларни замон талабларидан келиб тўғрисида рақамлар келтирилган.

Калим сўзлар: стратегия, ижтимоий фанлар, олий таълим, креатив, фаоллик, маънавий етуклик, ижодий фикрлаш, мотивация, тарих, маънавият, танқид, бошқарув.

"STRATEGY UZBEKISTAN-2030" IN ACTION

Azamova Mukhabbat
lecturer at the Department of Sports Law,
Social and Natural Sciences at the State
University of Physical Culture and Sports of
Uzbekistan.

Email: muxabbatazamova@uzjtsu.uz

ABSTRACT

This article discusses the relevance of teaching humanitarian socially significant subjects in higher educational institutions. We are talking about the role of these subjects in educating young people in the spirit of patriotism and internationalism.

Examples are given about the relevance of teaching social studies, the achievements and shortcomings of this area, creative and critical opinions on this matter, the need to teach social studies in higher educational institutions, as well as the importance of educating the younger generation at a high level. spirituality in the spirit of patriotism. Information is also provided on the indicators for achieving the goals planned for 2030, specified in the Uzbekistan-2030 strategy. Data is provided on measures aimed at improving the organizational and managerial activities of higher educational institutions, strengthening their material and technical support, enriching fundamental research with new directions, based on the requirements of the time.

Key words: Creative, active, spiritual maturity, creative thinking, motivation, censorship, social, political, critical, managerial.

«СТРАТЕГИЯ УЗБЕКИСТАН-2030» В ДЕЙСТВИИ

Азамова Мухабат

преподаватель кафедры спортивного права,
социальных и естественных наук
Государственного университета физической
культуры и спорта Узбекистана.

Электронная почта:
muxabbatazamova@uzjtsu.uz

АННОТАЦИЯ:

В данной статье речь идет об актуальности преподавания гуманитарных социально значимых предметов в высших учебных заведениях. Речь идет о роли этих предметов в воспитании молодежи в духе патриотизма и международного сотрудничества.

Приводятся примеры об актуальности преподавания обществознания, достижениях и недостатках данной области, творческих и критических мнениях по этому поводу, необходимости преподавания обществознания в высших учебных заведениях, а также важности воспитания молодого поколения на высоком уровне духовности в духе патриотизма. Также представлена информация о показателях достижения целей, намеченных к 2030 году, указанных в стратегии «Узбекистан-2030». Приведены данные о

мерах, направленных на совершенствование организационно-управленческой деятельности высших учебных заведений, усиление их материально-технического обеспечения, обогащение фундаментальных исследований новыми направлениями, исходя из требований времени.

Ключевые слова: Креативность, активность, история, духовность, мотивация, политика, критика, управление

КИРИШ

XX аср кишилик жамияти тараққиёти тарихидан фан ва техника соҳасида юз берган инқилоблар даври сифатида жой олди. Бу давр илм фан соҳасида кўплаб ихтиро ва кашфиётлар қилингани билан бир вақтда сиёsat оламида ҳам салмоқли, залворли ўзгаришларни бошлаб берди. Жаҳон тарихида бу давр қанчалик тарихий воқеаларга бой бўлган бўлса, Ўзбекистон тарихида ҳам чуқур из қолдирди. XX аср мамлакатимиз ҳалқига берган энг буюк ва олижаноб неъмат – бу Ўзбекистон миллий давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши бўлди. Чунки мустамлакачилик зулми ва мутелигидан озод бўлиш, том маънодаги мустақилликка эришиш ҳалқимизнинг узоқ йиллардан бери кутган эзгу орзу-армони эди. Бу мақсад йўлида миллатнинг минг-минглаб фарзандлари ўз жонларини қурбон қилдилар. Ўзбекистоннинг миллий давлат мустақиллиги ҳалқимизнинг ҳур, эркин, озод яшаб, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ҳал қилишдек буюк баҳт бугунги авлод вакилларига насиб этди. Аммо қўлга киритилган миллий давлат мустақиллигини сақлаб қолиш, уни сиёсий, иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш ва келажаги буюк давлатни барпо қилиш мислсиз даражада мураккаб ва шарафли бир вазифадир. Бу вазифанинг қай даражада бажарилиши мамлакатимиз фуқароларининг ижтимоий-сиёсий савияси, миллий маънавиятимизнинг нечоғлик улар онгода шаклланиб, хаётий дунёқарашига айланиши билан муштаракдир. Ёш авлодга ўз она тарихини билдирамасдан, тарихий воқеа ва ходисаларни таҳлил этмасдан, тарихий билим ва тарбия бермасдан унинг онгода миллий ўзлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш мумкин эмас.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ўтмишда ислом илмлари ривожига қўшган улкан ҳиссаларини жаҳон тан олган улуғ алломалари Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, буюк тасаввуф пирлари Абдухолик Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби табаррук сиймоларнинг миллатимиз маънавий такомилига қўшган хизматлари билан бир қаторда, математика ва астрономия сингари аниқ фанлар; тиббиёт, фармакогнозия, минералогия каби табиий фанлар; логика, филология ва жамиятшунослик фанлари соҳаларида жаҳон

илми ривожига баракали таъсир кўрсатган қомусий алломалар Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улугбек каби мўътабар зотларнинг ҳар бири хусусида алоҳида тўхталиб, уларнинг нафақат миллий маънавиятимиз, балки башарият маънавий такомилига кўрсатган таъсирларини бирма-бир қайд этиб ўтилиши бу соҳа олимлари учун муҳим.

“Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унуган миллатнинг келажаги йўқ”¹.

“Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёsatчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари бекиёс экани бизга улкан ғуур ва ифтихор бағишлайди.”[1,81]

Шундай экан, мустақил Ўзбекистон таълим тизимида Ватан тарихини муфассал, асосий фан сифатида ўқитиши бугунги хаётимизнинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолиши – бу давр тақозосидир. Ижтимоий гуманитар фанларнинг оъқитилиши зарурати шундаки, ўтмиш тарихимизни билмасдан келажакни қура олмаймиз. Бугунги ёш авлод онгигига халқимизнинг истиқлол учун асрлар давомида олиб борган кураши, мустақилликнинг моҳияти, унинг буюк неъмат эканлигини сингдириб, улар қалбида инсонпарварлик, ватанпарварлик, садоқат, меҳр-муҳаббат, бурч ва масъулият туйғуларини сингдиришда Тарих, Фалсафа, Маънавият каби ижтимоий гуманитар фанларнинг салмоғи катта .

“Ўзбекистон тарихи” фани ёш авлодни улуғ халқимизнинг миллий қадриятлари ва ахлоқий сифатлари: халоллик, поклик, одиллик, инсонпарварлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик ва камтаринлик, иймон ва эътиқодлилик руҳида тарбияламоғи лозим, уларда Ватан ва халқ олдидаги бурчга садоқат хиссини қарор топтирмоғи керак.

Ижтимоий фанлар ёшлар хаётида муҳим ўрин тутадиган фанлар сирасига киради. У келажак авлодни креатив фикрлашга, фаол бўлишга ундейди. Жамиятда бўлаётган барча ўзгаришларни кенг идрок этишга имкон беради ва жамият хаётида фаол иштирок этишга ундейди. Маънавиятни юксалтира бориб ёт гоялар таъсирига тушмаслик, уларга карши курашувчан бўлишга ундейди.

¹ <https://islomkarimov.uz/uzc/article/oz-tarikhini-bilmajdigan-kechagi-kunini-unutgan-millatning-kelazhagi-joq>

Ижтимоий фанлар орқали сиёсий етукликка эришилади. Танқидий фикрлаш хар қандай масалага тўгри ижодий ёндашиш нормалари шаклланади. Нутқ ривожланишига таъсир курсатади ва бу орқали ёшларда маънавий-сиёсий етуклик ортиб, бошқарув қобилияти шаклланади. Ижтимоий фанлар хаётда бўлаётган турфа жараёнларни англашга ўргатади ва креатив фикрлаш ғояларини ўргатишда кучли мотивация ролини ўйнайди. Шубҳасиз ижтимоий фанлар жуда керакли фанлардир.

НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон-2030 стратегияси доирасида Республикада таълим тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан Олий таълим муассасаларининг ишини янада такомиллаштириш борасида қуйидаги вазифалар қўйилган:

“Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш;

-Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказиш.

-Умумий ўрта таълим ташкилотларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш.

-30 та олий таълим муассасасининг таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш.

-«Топ-500»га кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камида 50 та қўшма таълим дастури асосида «икки дипломли тизим»ни жорий этиш.

-10 та олий таълим муассасасини дунёнинг энг нуфузли «Топ-1000» олий таълим ташкилотлари рейтингига киритишга эришиш.

-Олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш ва илмий салоҳиятни 70 фоизга етказиш”².

“Миллий қадриятларимизни янада ривожлантириш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва нуфузини ошириш, маданият ва санъатни юксалтириш билан боғлиқ вазифалар доимий кун тартибимизда туради.

Шунингдек, Ўзбекистон-2030 стратегиясида тил ва адабиёт, тарих, археология, маданият ва санъат йўналишларидағи илмий дастурлар учун 2 триллион сўм ажратиш қўзда тутилган”³.

Ижтимоий фанларни ОТМ ларда ўқитиш, дарс соатларини тақсимлаш борасида айрим қарама-қарши фикр ва мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Бу хақда Президент Ш.М.Мирзиёев кўп маротаба ўз нутқларида таъкидлаб, соҳада

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон

³ <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

учраётган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чоралари ҳақида тўхталган. Президентнинг 2021 йил “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида соҳада учрайдиган шу ва шунга ўхшаш камчиликлар ҳақида жумладан шундай дейилади: «Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамияти жуда катта. Афсус, бу фанлар ривожи замондан ортда қолмоқда. Хусусан, биз учун ниҳоятда долзарб бўлган тарих фани ҳам бундан мустасно эмас. Тарихга оид илмий тадқиқот ишлари асосан баёнчилик, публицистик усулда олиб борилмоқда. Натижада, олис ва яқин ўтмишилиздаги қўпгина воқеалар моҳияти, уларни юзага келтирган омиллар ва тарихий қонуниятлар очилмасдан қолмоқда.

Бир ҳақиқатни барчамиз чукур англаб олишимиз зарур: миллий тарихни миллий рух билан яратиш керак. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиш, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур. Бунинг учун, аввало, Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишимиз вақти-соати келди, деб оъйлайман. Тарих институтини бу фанни ривожлантириш бўйича таянч илмий муассаса этиб белгилаш керак».

Кейинги пайтларда муқаддас динимизнинг номини қора қилиб, ислом байроғи остида экстремистик, террористик групкаларнинг олиб бораётган вахшиёна хатти харакати бутун дунё халқларини тинчлиги ва осойишта ҳётига раҳна солиб келмоқда. Уларнинг асл мақсади маълум. Муқаддас динимизни ниқоб қилиб, ўсиб келаётган ёш авлод онггини заҳарлаш, ёшлиги ва ғўрлигидан фойдаланиб уларни Ватанга қарши, сиёsatга қарши гиж-гижлаш ва ўз ғаразли мақсадларида фойдаланишdir.

Муқаддас ислом динимизнинг инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, “жаҳолатга қарши – маърифат” тамоили асосида униб-ўсиб келаётган ёшларимизни соғлом эътиқод руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият бериш кўзда тутилган. Шу мақсадда ўқув юртларимизда “Дин тарихи”, “Диншунослик” каби фанларнинг ҳам ўқитилиши йўлга қўйилди. Соҳани ривожлантириш мақсадида ижтимоий фанларни ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишда олимлар ва соҳа мутахассисларини моддий рағбатлантириш, уларнинг меҳнат шароитларини янада яхшилаш талаб этилишини таъкидлаб, Фанлар академияси қошидаги «Энг янги тарих» маркази ходимларининг ойлик иш ҳақи миқдорини илмий-тадқиқот институти ходимлари маошига тенглаштириб, унинг фаолиятини кучайтириш кераклиги қайд этилди. Ижтимоий фанларни ОТМ ларда ўқитиш жараёнини мунтазам

ёритиб бориши, бу борадаги ютуқ ва камчиликларни рўйи рост кўрсатиш ва Ватанимиз тарихини тўлақонли очиб беришда Оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли бекиёс. Тарих, Фалсафа, Маънавият фанлари каби инсон маънавий юксалиши, етук шахс сифатида шаклланиши, дунёқарашининг кенгайишида албатта Оммавий ахборот воситалари ҳам катта роль ўйнайди. Шу мақсадда телевидение, радио, газета ва журналлар миллий истиқолимиз, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз, тарихимизни ёритиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари бу хусусда қуйидаги фикрларни билдирган:

“Таълим муассасаларида тарих фанини ўқитиш ва тарғиб этиш ишларини тубдан яхшилаш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. “Ўзбекистон тарихи” телеканали ватанимизнинг шонли тарихи ва аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган бекиёс ҳиссасини тўлақонли кўрсатиб берадиган, халқимиз, айниқса, ёшларимиз севиб томоша қиласидиган илмий-маърифий каналга айланиши керак».

Президент Ш.М.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида яна бир масалага алоҳида эътибор каратиб, шундай дейди: “Биз “Маънавиятшунослик” фанининг тамал тошини қўйдик. Бу йуналишдаги ихтисосликлар фанлар классификаторига киритилди, улар бўйича ихтисослашган кенгаш ташкил этилиб, диссертациялар химояси йўлга қўйилмоқда. Олий таълим бакалавр босқичи учун “Маънавиятшунослик”, магистрлар учун “Касб маънавияти” фанлари жорий этилмоқда”[2,227]

Бизда узоқ йиллар давомида ижтимоий фанларга нисбатан бир томонлама технократик ёндашув, бу борадаги масалаларга ажабтовур бир угай қараш шаклланиб қолган.

МУҲОКАМА

Айни пайтда, афсус билан қайд этиш мумкинки, ҳалигача узлуксиз таълим босқичларида, айниқса олий таълим тизимида ижтимоий фанларни қанча ҳажмда ва қандаи йўналишларда, қай бир шаклда ва қандай мазмунда ўқитиш ва ўргатиши бўйича яхлит концепция йўқ.

“Афсуски, айrim калтабин мулизимларнинг Ижтимоий фанлардан фойда йук,” қабилидаги ножуя қарашлари оқибатида ушбу фанларнинг салмоги ва сифатини тушириб юборишга йул куйилди. Бу йуналишда кимнингдир субъектив ёндашуви таъсирида бирор-бир фанни жорий этиш, бошқа бирини эса йукотиш, кафедраларни қўшиш ва уларда профессор-ўқитувчилар сонининг ҳаддан ортиб кетиши билан боғлиқ тез-тез руй бериб турадиган “экспериментлар”, ижтимоий фанлар олимлари ва мутахассислари, профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатига муттасил паст муносабатда бўлиш холатлари

соҳага жиддий зиён етказган. Айнан ана шундай ҳолат ушбу йўналишнинг айрим вакилларида “Биз ва бизнинг фанларимиз керак эмасми, бизга ҳам ҳеч нарса керак эмас. Шунчаки топшириқларни бажариб, фанларимизни ўқитиб ва дарсларимизни ўз вақтида ўтиб юрсак бўлди”, деган тасаввур шаклланишига сабаб бўлган. Шу ва шунга ўхшаш муаммоларимиз бор экан, уларни бартараф этмас эканмиз, келажак авлодни тарбиялашда оқсайверамиз”[2,228].

Соҳани ривожлантиришда ўқув адабиётларининг сифатига эътибор қаратилмоқда. Ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, замонавий ўқув адабиётларини яратиш тартибини соддалаштириш, энг янги хорижий адабиётларни харид қилиш ва таржима қилиш ишларини жадаллаштириш, хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланишни кенгайтириш, кутубхоналар фондларини мунтазам равища янгилаб бориш ижтимоий- гуманитар фанларни ўқитишида муҳим омил хисобланади.

Юқорида санаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш орқали ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи бўйича бутунлай янгича, миллий манфаатларга мос илмий ёндашувлар асосидаги туркум асарлар тайёрланади. Чуқур билимга эга, ижодий ва тизимли фикрлайдиган илмий ходимлар авлоди шаклланади. Олий таълимда тарихчи мутахассислар тайёрлашнинг бутунлай янгича, илмий муассасалар билан узвий боғланган тизими яратилади. Тарих йўналишидаги илмий ходимлар, профессор-ўқитувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш даражаси юксалади. Қадим, бой ва ноёб тарихий меросни миллий ва хорижий даражада тарғиб этишнинг янгича ва самарали тизими яратилади.

ХУЛОСА

Қисқача қилиб айтганда маънавиятли, тафаккури бой, дунёқарashi кенг халқ бошқарувидаги давлат ҳеч қачон таназзулга юз тутмайди. Зоро бундай халқнинг тарихи буюк, маънавияти юксак бўлади. Зоро, юксак маънавият-енгилмас кучdir.

REFERENCES

1. Ислом Каримов. Асарлар.1-жилд.81-бет
2. Ш.М.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси”. “Ўзбекистон”-2021 й
3. И.Каримов. Юксак маънавият -енгилмас куч. Т. “Маънавият» -2008
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон
5. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
6. Saifnazarov, I. (2023). Yangi O’zbekiston: inson qadri ulug’langan yurt. – Tashkent: “Ilm-Ziyo-Zakovat” MChJ. - 209.